

10-мавзу: Аҳоли пунктлари ерларининг ҳуқуқий ҳолати (4-соат)

РЕЖА:

- 1. Аҳоли пункти ерлари ҳуқуқий ҳолатининг умумий тушунчаси.**
- 2. Қишлоқ аҳоли пунктлари ерларини бошқариш.**
- 3. Шаҳарлар ва посёлкалар ерларининг бошқарилишининг асосий хусусиятлари. Шаҳар қурилиши ерларининг ҳуқуқий ҳолати.**
- 4. Шаҳар атрофи ва яшил муҳофаза минтақаларининг ҳуқуқий ҳолати**

10-мавзу.2-маъруза:

Қишлоқ аҳоли пунктлари ерларини бошқариш

РЕЖА:

- 1. Қишлоқ аҳоли пункти ерларининг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тушунча.**
- 2. Қишлоқ аҳоли пункти ерларининг ҳуқуқий ҳолатидаги хусусиятлар.**

Маърузанинг технологик ҳаритаси

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотига кириш 10 дақиқа	Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот очик маъруза шаклида олиб борилиши маълум қилинади	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 60 дақиқа	<p>2.1.Тарқатма материал тарқатиладиган мавзу режаси асосий тушунчалар билан таништирилиши таклиф этилади.</p> <p>2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намоиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади (диаграммалар, жадваллар) Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2.3.Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади.</p> <p>3. Мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади.</p>	<p>Ўқийдилар</p> <p>Тинглайдилар, жадвал ва диаграммаларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
3 босқич Яқуний босқич 10 дақиқа	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади.</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар</p>

Маъруза машғулоти ўқитиш технологияси

<i>Талабалар сони 90</i>	10-Мавзу, 2-маъруза 2 соат
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	-ахборотли-маъруза
<i>Машғулотнинг режаси:</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Қишлоқ аҳоли пункти ерларининг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тушунча. 2. Қишлоқ аҳоли пункти ерларининг ҳуқуқий ҳолатидаги хусусиятлар.
<i>Машғулотнинг мақсади:</i> Қишлоқ аҳоли пункти ерлари ҳуқуқий ҳолати ва бошқаришдаги хусусиятлар. тўғрисида тасаввурни шакллантириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<ol style="list-style-type: none"> 1.Қишлоқ аҳоли пункти ерларининг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тушунчаларни беради. 2.Қишлоқ аҳоли пункти ерларининг ҳуқуқий ҳолатидаги хусусиятлар тўғрисида тушунчаларни беради. 	<ol style="list-style-type: none"> 1.Қишлоқ аҳоли пункти ерларининг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тушунчаларга эга бўлади. 2.Қишлоқ аҳоли пункти ерларининг ҳуқуқий ҳолатидаги хусусиятлар тўғрисида тушунчаларга эга бўлади.
<i>Ўқитиш услуби ва техникаси</i>	Ахборотли- маъруза, намойиш, ақлий ҳужум,
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Доска, топшириқлар, тарқатма материаллар.
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, коллектив иш,
<i>Ўқитиш шарт- шароити</i>	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН АДАБИЁТЛАР:

Асосий адабиётлар:

1. М.Ҳ. Рустамбоев ва бошқ. Ер ҳуқуқи. – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237 б.
2. А.Нигматов. Ер ҳуқуқи. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 191б.
3. А.Нигматов. Земельное право. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 189 б.
4. Mirzaabdullaeva M.R., Muqimov A., Xafizova Z.X. Yer huquqi. O'quv qo'llanma. - Т.: TIMI, 2016, – 202 б.

Қўшимча адабиётлар:

1. Земельное право: Учебник / С.А. Боголюбов, Э.А. Галиновская; Под ред. С.А. Боголюбова – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.-400 стр.
2. Земельное право республики Узбекистан: Учебник. Под. Ред. М.Х.Рустамбева. –Т.: ТГЮИ, 2007. -214 стр.
3. Ерофеев Б.В. Земельное право: Учебник. –М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2005. -348 стр.
4. Ben McFarlane, Nicholas Hopkins. Land Law: Text, Cases, and Materials. OUP Oxford, 2012
5. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. –Т.: Адолат, 1998
5. Ўзбекистон Республикаси Шахарсозлик кодекси. –Т.: Адолат, 2002

Интернет ва Зиёнет сайтлари:

1. [http:// www. Lex.uz](http://www.Lex.uz)
2. <http:// zakon. rin. ru>

ЕР МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЛАР ВА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Кодекс ва қонунлар

- Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида” Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастрлари тўғрисида” Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида” Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида” Қонуни;



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЕРДАН
Фойдаланиш Самарадорлигини ошириш тўғрисида» 1994
йил 24 ноябрь, ПФ-1009-сон**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ
“ЮРИДИК ШАХСЛАР ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ БИНОЛАРИ ҲАМДА
ИНШООТЛАРИ БИЛАН БАНД БЎЛГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ
ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА” 2006 йил 24 июль, ПФ-3780-сон**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний
манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан
самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-
тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сонли Фармони**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “2013 — 2017
ЙИЛЛАР ДАВРИДА СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ
ҲОЛАТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА
Фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2013 йил 19 апрель,
ПҚ-1958-сон**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасидаги сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, магистраль каналлар ва коллекторларнинг, шунингдек, ичимлик сув ва маиший сув таъминотининг, даволаш ва маданий-соғломлаштиришда ишлатиладиган сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 174-сонли;

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 ноябрдаги “Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 575-сон Қарори билан “Ер майдонлари ажратиш бўйича доимий ишловчи махсус комиссия тўғрисида Низом” ;

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида»ги 543-сонли;

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг кадастр рақамларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 492-сонли ;



Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 октябрдаги «2004 — 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 476-сонли;

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳузуридаги давлат геодезия назорати инспекцияси тўғрисидаги, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисидаги, давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 66-сонли;

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги «Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 272-сонли;

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 97-сонли;



Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистон Миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервисини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 277-сонли;

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 июлдаги «Ўзбекистон республикаси қуролли кучларининг ҳарбий хизматчиларига узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 163-сонли;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 мартдаги “Боғдорчилик-узумчилик ширкатлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 51-сонли;

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 146-сонли;



Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 147-сонли;

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 54-сонли;

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 июндаги «Ер участкаларини танлаш бўйича материалларни ваколатли ташкилотлар билан келишиш, шунингдек қурилиш соҳасида рухсатномалар бериш тартиботларини амалга оширишда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 154-сонли;



Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатдан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1-сонли;

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги «Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 48-сонли;

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги «Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 235-сонли;



```
graph TD; A((Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси  
(7-бобнинг 59-68 моддалар))) --> B((Аҳоли пунктлари ерларининг  
ҳуқуқий ҳолатини тартибга  
солувчи манбалар)); B --> C((Қонун ости ҳужжатлари)); B --> D((Ўзбекистон Республикаси  
Шаҳарсозлик кодекси  
(7-боб 7,59 моддалар)  
04.04.2002 й.));
```

**Ўзбекистон Республикаси
Ер кодекси
(7-бобнинг 59-68 моддалар)**

Қонун ости ҳужжатлари

**Аҳоли пунктлари
ерларининг
ҳуқуқий
ҳолатини тартибга
солувчи манбалар**

**Ўзбекистон Республикаси
Шаҳарсозлик кодекси
(7-боб 7,59 моддалар)
04.04.2002 й.**

**Шахарлар
ерларининг
ҳуқуқий ҳолати**

**Қишлоқ аҳоли пункти
ерларининг ҳуқуқий
ҳолати**

**Аҳоли пункти
ерларининг
ҳуқуқий ҳолати**

**Шаҳар типдаги
посёлкалар ерларининг
ҳуқуқий ҳолати**

Ҳаракатлар стратегиясидан ўрин олган 4.3 бандидаги арзон уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириладиган ишлар:

Арзон уйлар қуриш бўйича қишлоқ жойларида 3 турдаги лойиҳалар ишлаб чиқилган.

- **2 қаватли, 4 подъездли уйлар;**
- **1 қаватли, ер участкаси 2 сотих бўлган уйлар;**
- **2 қаватли, 4 сотихли қўшалок уйлар.**

Шаҳарларда 5, 7 ва 9 қаватли уйлар лойиҳалари ишлаб чиқилди. Яна муҳим масалалардан бири - уйларнинг сифатли қурилишини таъминлаш эканлигига урғу берилади.

Беш йиллик стратегия давомида қишлоқ жойларда 85 мингдан ортиқ уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Биргина 2017 йилнинг ўзида 15 мингдан ортиқ уй-жой қурилди.

Буларнинг барчаси аҳолини арзон, ўртача иш ҳақи оладиган кишилар учун ҳамёнбоп уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида амалга оширилган. Мутахассисларимизнинг сўзларига кўра, янги тизим бўйича қурилган уйларни бюджет ташкилотларда ишлайдиган ходимлар бемалол харид қилишга ва 15 йил кредит тўловини тўлашга қурби етади.

Қонунчилик ҳужжатларида алоҳида тартибга солинадиган объектлар жумласига қайси аҳоли пунктлари киритилган?

Шаҳарсозлик кодекси мисолида (7-модда)

Агар ҳудуддан фойдаланишнинг махсус қоидаларини жорий этмай туриб, шаҳарсозлик соҳасида жамият, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини таъминлаш мумкин бўлмаса ёки қийин бўлса, шаҳарсозлик фаолияти алоҳида тартибга солинади.

Алоҳида тартибга солиниши лозим бўлган шаҳарсозлик фаолияти объектлари **умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик** бўлиши мумкин. Мазкур объектларни умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига киритиш қонун ҳужжатларида белгиланади.

Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари жумласига қуйидаги аҳоли пунктлари киритилиши ҳам мумкин:

Ўзбекистон Республикаси пойтахти - **Тошкент шаҳри**;
Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти - **Нукус шаҳри**;
вилоятларнинг **маъмурий маркази** бўлган шаҳарлар;
ҳудудида **маданий мерос объектлари** бўлган шаҳарлар;
курорт-шаҳарлар;
қўриқхона-шаҳарлар;

яшаш ва фаолият кўрсатишнинг **алоҳида режими белгиланган аҳоли пунктлари** (ҳарбий шаҳарчалар ва ўзга режимли ҳудудлар, давлат қўриқхоналаридаги, миллий боғлар ва бошқа алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардаги аҳоли пунктлари).

Қишлоқ аҳоли пункти ерлари тушунчаси нимани англатади?

Ер кодекси мисолида

Қишлоқ аҳоли пункти ерлари аҳоли пункти ерларининг учинчи турини ташкил этади ҳамда ўз аҳамиятлилик даражасига кўра шаҳар аҳоли пункти ерларидан қолишмайди. Мамлакатимизда ҳозирги кунда **1467 тадан ортиқ** қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. Қишлоқлар Ўзбекистон Республикаси **Конституциясининг 68-моддаси**га асосан маъмурий-ҳудудий бирлик бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда истиқомат қилганлиги сабабли фуқароларнинг ижтимоий ҳаёти, меҳнат фаолияти қишлоқ ҳаёти билан узвий боғлиқликда бўлади. Қишлоқ аҳолисининг яшаш тарзи кўп жиҳатдан қишлоқ ерларидан фойдаланиш – деҳқон хўжалиги ёки бошқача ёрдамчи хўжаликлар юритиш билан боғлиқ бўлиб, фуқаролар фаровонлигини таъминлаш, уларнинг турмуш даражасини ошириш кўп жиҳатдан қишлоқ ерларининг ҳуқуқий ҳолатини қонунчиликда энг мақбул шаклда белгилаш ҳамда фуқароларнинг ушбу ерлардан унумли, оқилона ва илмий асосларда фойдаланишини таъминлашдан келиб чиқади.

Қишлоқ аҳоли пункти ерлари тушунчаси нимани англатади?

Ер кодекси мисолида

Ер қонунчилиқдаги нормалар мазмуни ҳамда ер ҳуқуқида ҳозирги қадар тўпланган назарий билимларга таяниб, қишлоқ аҳоли пункти ерлари тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: **қишлоқ аҳоли пункти ерлари деганда, туман давлат ҳокимияти органлари томонидан режалаштириш, қуриш ва ички хўжалиқ ер тузилиши режаларига мувофиқ равишда тасдиқланган ва белгиланган чегаралар доираларида жойлашган, аҳолининг турар-жой, бошқа маданий-маиший эҳтиёжларига керакли бинолар, шунингдек деҳқон хўжалиги учун бериладиган ер участкалари тушунилади.**

Қишлоқ аҳоли пункти ерларига ер тузиш тартибида шу тоифа аҳоли пункти учун белгилаб қўйилган чегаралар доирасидаги ерлар киради.

2. Қишлоқ аҳоли пункти ерларининг ҳуқуқий ҳолати

Аҳоли пункти ерлари ҳуқуқий ҳолатида ер ва бошқа мулкӣ муносабатлар узвий алоқалик хусусиятига эга бўлади. Аммо, бу муносабатлар нисбати шаҳар ва қишлоқ жойларда тамомила бир биридан фарқ қилади. Асосий фарқ шундаки, шаҳар аҳоли пунктида ер участкасидаги қурилишдан фойдаланиш автоматик равишда шу қурилишларга эгалик ҳуқуқини келтириб чиқаради, қишлоқ аҳоли пунктида эса қурилишга мулк ҳуқуқини қўлга киритиш учун аввал ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш керак. Шундай қилиб, қишлоқ аҳоли пунктларида биринчи навбатда ердан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритиш асосий ҳисобланса, шаҳар аҳоли пунктларида эса асосий рол уй-жойга мулкчилик ҳуқуқига эга бўлиш ҳисобланади.

**Ўзбекистон
Республикаси Ер
кодексининг
68-моддасида
кўрсатилишича, қишлоқ
аҳоли пункти ерлари
қуйидагилардан иборат
бўлади**

**қишлоқ аҳоли
пунктларининг
қишлоқлар ва
овулар
ҳудудидаги ерлари**

**қишлоқ аҳоли
пунктларининг
қишлоқ хўжалиги
ҳамда ўрмон
хўжалиги
корхоналари,
муассасалари ва
ташкilotлари
ҳудудидаги ерлар.**

Қишлоқ аҳоли пункти ерларининг ҳуқуқий ҳолати

Қишлоқ аҳоли пункти ерлари асосан қишлоқ хўжалик корхоналари эгаллаб турган ерларда жойлашган бўлиб, улар ушбу корхоналарнинг жамоат (асосий) ерларидан натура тарзида ажратиб қўйилади. Лекин шуни айтиш керакки, бу иккала ер фонди ўртасида ўтиб бўлмайдиган чегара йўқ эмас. Аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини эътиборга олиб аҳоли пунктлари ерларини жамоа ерлари ҳисобига тегишли органлар қарорига мувофиқ кенгайтириш мумкин.

Қишлоқ аҳоли пункти ерлари ўз таркибига кўра бир хил эмас. Улар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларга бўлинади. Бундан ташқари, бу ерларни кимнинг эгаллигидалигига қараб ҳам туркумлаш мумкин. Булар маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёридаги ерлар ва қишлоқ хўжалик ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ихтиёридаги ерлардир. Шунингдек, қишлоқ аҳоли пунктлари ерлари келгуси истиқболига эга бўлган ва келгуси тараққиёт истиқболи бўлмаган ерларга бўлинади.

**Қишлоқ аҳоли
пунктлари ерларининг
функционал роли бўйича
таснифланиши**

Яшаш ҳудуди

Яшаш ҳудудларида мактаблар, болалар боғчалари, клуб ва кутубхоналар, савдо корхоналари ва умумий озиқ-овқат, соғлиқни сақлаш муассасалари, маъмурий муассасалар, коммунал маиший корхоналар ва ҳоказолар жойлашади

Ишлаб чиқариш ҳудуди

Ишлаб чиқариш ҳудудларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш объектлари ёки уларга хизмат қилувчи объектлар (масалан, ветеринар-даволаш муассасалари кабилар) фаолият юритади.

Қишлоқ аҳоли пункти ерларининг ҳуқуқий ҳолатидаги хусусиятлар

1.Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрида бўлган қишлоқ аҳоли пункти ерларидан майдонлар, кўчалар, соҳил бўйлари, боғлар, парклар, хиёбонлар, дарахтзорлар барпо қилиш, шунингдек маданий-маиший, уй-жой эҳтиёжлари учун фойдаланилади.

2.Қишлоқ аҳоли пункти ерлари доирасида қишлоқ хўжалик корхоналари ўзларига берилган ер участкаларидан уй-жой бинолари, маданий-маиший бинолар, ишлаб-чиқариш бинолари ва иншоотлари қуриш ҳамда қонунда белгиланган фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкалари бериш мақсадида фойдаланилади.

3.Қишлоқ аҳоли пунктларининг ер майдонлари, чегаралари мазкур туманнинг тасдиқланган режалаштириш, қуриш лойиҳаларига мувофиқ белгиланади. Бу ерлардан фойдаланиш эса қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади. Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрида бўлган қишлоқ аҳоли пунктлари ерларини бериш шу идоралар томонидан амалга оширилади. Ширкат хўжалиги эгаллаб турган ерларни бериш уларнинг юқори органлари қарорларига асосан амалга оширилади.

**Қишлоқ аҳоли пункти ерларнинг ҳуқуқий
ҳолати баъзи ўзига хос хусусиятлар**

Қишлоқ аҳоли пункти доирасидаги ерларнинг маълум қисми қишлоқ хўжалик маҳсулотларини (полиз, мева, узум ва б.қ.) етиштиришга мўлжалланган. Бу ерларнинг ҳуқуқий ҳолати қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий мақомига ўхшаш бўлади ёки унга яқинлаштирилган бўлади.

Қишлоқ аҳоли пунктларида фуқароларга бериладиган ер участкаларининг ўлчами шаҳар аҳоли пунктларидагига нисбатан анча кўп бўлади. Бундан ташқари, қишлоқ аҳоли пунктларида ер участкалари иккита жойда ажратиб берилиши, яъни уй олдида ва аҳоли пунктидаги уй-жойидан четда берилиши мумкин

Қишлоқ аҳоли пункти ерларининг ҳуқуқий ҳолатидаги хусусиятлар

Қишлоқ аҳоли пунктларининг ерлари шаҳар ерлари доирасига фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ равишда ўтказилиши мумкин. Бундай ҳолларда ушбу ер майдонлари қишлоқ аҳоли пункти ерлари таркибидан чиқарилиб, шаҳар ерлари таркибига киритилади. Шаҳар таркибига кирган ер участкаларида ширкатларнинг бино ва иншоотлари учун ҳақ маҳаллий бюджет ҳисобидан тўланади.

Юқорида айтилганларидан келиб чиқиб, **қишлоқ аҳоли пункти ерлари деганда** туман давлат ҳокимияти органлари томонидан режалаштириш, қуриш ва ички хўжалик ер тузилиши режаларига мувофиқ равишда тасдиқланган ва белгиланган чегара доираларида жойлашган, аҳолининг турар-жой, бошқа маданий-маиший эҳтиёжларига керакли бинолар, шунингдек деҳқон хўжалиги учун бериладиган ер участкалари тушунилади

Блиц саволлар

1. Аҳоли пункти ерлари ҳуқуқий ҳолати қайси норматив ҳужжатлар асосида тартибга солинади?
2. Республикамизда аҳоли пунктларининг қандай ҳилдаги кўринишлари мавжуд?
5. Қишлоқ аҳоли пунктлари ерлари қандай таркибга эга?
6. Шахар ва қишлоқ ўртасида қандай фарқлар мавжуд?